2013 йил 9 апрель, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (12.380)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш мақсадида ички бозорни фақат сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Бу борада божхона назорати қатъий йўлга қўйилган. Соҳа ходимлари томонидан мамлакатимиз ҳудудига сифатсиз ва ноқонуний товарлар кириб келишининг олдини олиш, ички бозорни ҳимоялаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.***

**Қарор ва ижро**

## ИЧКИ БОЗОР СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунда, айниқса, ишлаб чиқарувчи корхоналарга юқори сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқариши учун яратилган қулай шарт-шароитларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай ғамхўрлик самарасида бугунги кунда ўз маҳсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорларга чиқаётган тадбиркорларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. 2012 йилда экспорт ҳажми сезиларли даражада, яъни 11,6 фоиз ўсгани бунинг далилидир. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати тобора яхшиланиб бораётгани натижасида тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Ҳар бир давлат ўз миллий маҳсулотларини, ички бозорини ҳимоя қилиши табиий ҳол. Четдан кириб келаётган товарларнинг барчасини ҳам сифатли ёки истеъмолга яроқли, деб бўлмайди. Улар орасида «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» маҳсулотлар ҳам борки, айрим импортёрлар қандай йўл билан бўлмасин уларни ўтказишни, фақат моддий наф кўришни кўзлайди. Шунинг учун ҳам биринчи галда уларнинг сифатига жиддий эътибор бериш, шу йўл билан аҳоли саломатлигини муҳофазалаш долзарб аҳамиятга молик.

*(Давоми 2-бетда)*

**9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун**

## КУЧ — АДОЛАТДА

***Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида амал қилган «Куч – адолатда» шиори бугун биз, ворислар учун ҳам устувор ахлоқий-маънавий мезондир.***



Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олиб борилаётган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, юзлаб қонун ва кодекслар, давлатимиз қўшилган халқаро шартномалар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, жамиятда адолат барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент Давлат юридик институтида Амир Темур таваллуд кунига бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз юритилди.

Тошкент Давлат юридик институти ректори Омонулла Муҳаммаджонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, профессор Ҳалим Бобоев, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Ана шундай эзгу ишлар самарасида бошқа буюк алломаларимиз қатори бобокалонимиз Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр топди.

Дарҳақиқат, Амир Темур бобомиз улуғлаган ва ўзининг ҳаётий шиорига айлантирган эзгулик, адолат тамойиллари, бағрикенглик, меҳрмурувват, эл-юрт фаровонлиги ва ободлиги, бунёдкорлик каби эзгу интилишлари истиқлол йилларида ҳаётимизнинг бош мезонига айлангани юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Буюк бобокалонимизнинг ибратли ишлари бугунги кунда ёшларимизни миллий анъана ва қадриятларимиз, аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Амир Темурнинг адолатли давлат ва бошқарув тўғрисидаги қарашлари, Темурийлар даврида илм-фаннинг юксалиши, «Темур тузуклари»нинг ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**(ЎзА)**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Андижон вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази минтақавий бўлими ҳамкорлигида «Ёшлар ва хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**
- **Шаҳрисабзда Амир Темур таваллудининг 677 йиллигига бағишлаб «Буюк соҳибқирон салтанатида улкан бунёдкорлик ишларининг олиб борилиши» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**
- **Бухоро вилоятида 2013 йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Мазкур ярмарка вилоятда маҳаллий хом ашё ва саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш, кичик бизнес субъектлари ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**
- **Термиз шаҳрида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ва «Меҳр нури» жамғармаси ҳамкорлигида хайрия тадбири ўтказилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми»нинг республика ва вилоят жамоатчилик кенгашлари аъзолари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, фахрийлар ва ёшлар қатнашди.**
- **Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, республика ахборот-ресурс маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий кенгаши ҳамкорлигида китоблар кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Бельгия ҳукумати мобиль телефонларининг болаларга мўлжалланган рекламасини тақиқловчи қарор қабул қилди. Мамлакат Соғлиқни сақлаш ва истеъмол вазирлиги эса қўл телефонлари савдоси ва рекламаси бўйича янги тартиб-қоида жорий этди. Унга кўра, эндиликда мобиль телефонларни болаларга мослаб, бирор-бир ўйинчоқ кўринишида ишлаб чиқариш ҳам мумкин эмас.**
- **Россиялик суғуртачилар автоўғирлик ҳолатлари статистикасини таҳлил қилиб, энг кўп ўғирланувчи автомобилларнинг янги рўйхатини туздилар. Бу рўйхатда сўнгги йилларда «биринчилик»ни қўлдан бермай келаётган BMW X6 модели ниҳоят «тахтдан тушди».**
- **Дунёга машҳур YouTube видеохостинги 2023 йилнинг 1 апрелига қадар ёпилишини маълум қилди. Энг яхши видео 2023 йилда аниқланади. Унинг муаллифи 500 доллар мукофот ва mp3-плеер билан тақдирланади. Бундан ташқари, ғолиб бўлган ролик ўн йилдан сўнг сайтга жойлаштирилган ягона видео материал бўлиб қолади.**
- **Женева автосалонида Opel компанияси ўзининг Opel Adam R2 пойгачи моделини тақдим этди ва кўпчиликнинг эътиборини қозонди. 1,6 литрли моторли, 185 от кучи ва гидравлик бошқарув тизимига эга модель жорий йилдаёқ Европадаги қатор пойгаларда иштирок этиши мўлжалланган.**
- **Канададаги Макгилл университети тадқиқотчилари Мона Лиза Чанда ва Даниэл Левитин 400га яқин мусиқанинг даволаш хусусиятини ўрганиб чиқиб, унинг чиндан ҳам ҳаётбахш кучга эга эканини яна бир бор тасдиқлашди.**

***Шу кунларда Тошкентда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда. Мазкур дунё биринчилигида 70 мамлакатдан қарийб 500 нафар спортчи ғолиблик учун курашмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири ушбу нуфузли халқаро спорт анжумани доирасида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти, Халқаро олимпия қўмитаси аъзоси Томаш АЯН билан суҳбатлашди.***

**ТОМАШ АЯН:**

## ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ ТАНЛАНГАН



— Ўзбекистонга илк бор ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бошида келган эдим, — дейди Т. Аян. — Ўшанда юртингизнинг самимий, дилкаш ва меҳмоннавоз одамлари менда ниҳоятда илиқ таассурот қолдирганди. Мамлакатингизга иккинчи ташрифим 2011 йилга тўғри келди. Бу вақт оралиғида рўй берган ўзгаришларни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Ўзбекистон умуман бошқа мамлакатга айланиб, унинг қиёфаси тубдан ўзгарганига гувоҳ бўлдим. Ҳатто сўнгги икки йилда рўй берган ўзгаришлар ҳам ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Биргина пойтахтингиз Тошкент шаҳрининг бугунги таровати, замонавий меҳмонхоналар, янги бино ва иморатлар, файзли кўчалар мамлакатингиз нақадар юқори суръатларда ривожланаётганининг ёрқин далилидир. Ўзбекистондаги тартиб-интизом, тозалик ва озодаликка, саришталикка, одамлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр ва оқибат, ҳамжиҳатликка жуда-жуда ҳавасим келади. Айниқса, халқингизнинг хушхулқлиги, муомала маданияти, таниш ва нотаниш одамларга ҳамиша ёрдамга тайёрлиги мени ҳайратга солди. Бундай файзиёб ва малоҳатли юртда меҳмон бўлиш одамга ҳузур ва қандайдир илоҳий куч-қувват бахш этади. Эҳтимол бу, илдизларимиз бирлиги, халқларимиз ўртасидаги ўхшаш ва яқин жиҳатлар билан ҳам боғлиқдир. Мен венгрияликман. Аждодларимиз қачонлардир Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан ҳозир Венгрия эгаллаб турган ерларга бориб қолганлар. Шу боис Ўзбекистонда меҳмон бўлиш менга алоҳида мамнунлик ва хушкайфият бағишлайди.

Венгрияда Ўзбекистон ҳақида, мустақиллик йилларида мамлакатингизда ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй бераётган улкан янгиланишлар ҳамда эришилаётган муваффақиятлар хусусида яхши билишади. Мен юртингиз барча соҳаларда нақадар жадал суръатларда тараққий этиб бораётганини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётгани, ўзбек халқи ўз олдига қўйган олижаноб мақсадлар сари собитқадамлик билан интилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бунинг натижасида иқтисодиёт, таълим-тарбия ва бошқа ижтимоий соҳаларда беқиёс ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мазкур омиллар мамлакатингизда спортни ривожлантиришда ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг буюк даҳоси ва у юритаётган оқилона сиёсатнинг амалдаги натижаларидир.

— **Мамлакатимизга ташрифингиз чоғида Президентимиз Ислом Каримов билан учрашиш имкониятига эга бўлдингиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимдан жуда мамнунман. Давлатингиз раҳбарининг Ўзбекистонда спортни ривожлантириш стратегияси, спортнинг инсон ҳаёти, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом ҳамда эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти, юртингизда болалар спортини тараққий эттиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганига доир қимматли фикрлари менда улкан қизиқиш уйғотди. Хизмат юзасидан дунё бўйлаб кўп сафар қиламан, турли мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашаман. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, болалар спорти ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш истиқболлари ҳамда вазифаларини шунчалик кенг кўламда белгилаган Йўлбошчини биринчи бор кўришим. Президент Ислом Каримовнинг болалар спортини ривожлантириш орқали истиқболда юрт тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда ёшларни тарбиялашни болаликдан бошлаш кераклиги тўғрисидаги ғояси буюк ғоядир. Зеро, давлатингиз раҳбари таъкидлаганидек, болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланиши уларни кучли ва иродали, ҳаётда учрайдиган синов ва қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда ғоят катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган болалар спортини ривожлантириш жамғармасига шахсан Президентнинг ўзи раҳбарлик қилаётгани, ушбу фонд маблағлари болаларнинг соғлом ривожланишига бевосита алоқадор соҳанинг инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилаётгани таҳсинга сазовордир. Дунёдаги ҳамма мамлакатларда ҳам болалар спортига Ўзбекистондаги каби юксак эътибор қаратилмаётир. Ҳолбуки, инсон салоҳиятига, ёш авлодларнинг бахтли истиқболига йўналтирилган сармоя келгусида ўзининг салмоқли натижаларини беришини мамлакатингиз мисолида яққол кўриш мумкин. Оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионатининг Ўзбекистонда ўтказилаётгани ҳам бунга далилдир.

*(Давоми 2-бетда)*

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида бастакорларнинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

✓ **БУГУН** Муқимий номидаги мусиқали драма театрида Шайхонтоҳур туманидаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ёш педагоглар ўртасида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Ёшларнинг келажакка қадами» мавзуида тадбир уюштирилади.

## ТОМАШ АЯН:

# ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ ТАНЛАНГАН

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**– Ўзбекистон мазкур чемпионат мезбони сифатида қандай мезонлар асосида танланди?**

– Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг Тошкент шаҳрида ўтказилиши 2011 йили Парижда ўтказилган халқаро оғир атлетика федерациясининг Конгрессида эълон қилинган эди. Бу каби йирик спорт мусобақаларига мезбонлик қилиш учун етарли даражада шарт-шароит, спорт тадбири ўтказилиши режалаштирилган мамлакатда тинчлик-осойишталик, барқарорлик мустаҳкам бўлиши шарт. Талаб этиладиган ушбу барча жиҳатлар Ўзбекистонда мавжуд. Бу ердаги спорт иншоотлари юксак халқаро стандартларга жавоб беради. Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистон спортчиларининг кўплаб халқаро мусобақаларда эришаётган ғалабалари натижасида мамлакатингизнинг дунё спортидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Биргина оғир атлетикани оладиган бўлсак, Ўзбекистон терма жамоаси 2011 йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли бешликдан ўрин олганлиги ва олти нафар оғир атлетикачи Лондон олимпиадасига йўлланма олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар бугунги кунда федерациямизга дунёнинг икки юзга яқин давлати аъзо эканлигини инобатга оладиган бўлсак, кучлилар сафидан ўрин эгаллаш нақадар қийин эканлиги аён бўлади. Ўзбекистон оғир атлетикачилари сўнгги 6-7 йил ичида ана шундай кучли рақобат шароитида катта ютуқларни қўлга киритаётгани Ўзбекистон спортни ривожлантиришда тўғри йўл танлаганини кўрсатади.

**– Мамлакатимизда жаҳон чемпионатига кўрилган тайёргарлик ишлари ҳақида фикрингиз?**

– Ўзбекистонда ушбу мусобақани юқори савияда ўтказиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Барча ташкилий ишлар жой-жойида, спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар, шифокорлар, мутахассисларнинг ўз вазифаларини бажариши учун ҳамма қулайликлар муҳайё. Мазкур мусобақаларда дунёнинг 70 давлатидан беш юзга яқин спортчи иштирок этмоқда. Унда 2014 йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган иккинчи ўсмирлар олимпия ўйинлари йўлланмалари учун ҳам кураш олиб борилади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу нуфузли спорт форуми юртингизда спортни, жумладан, оғир атлетикани янада ривожлантиришда ғоят катта аҳамият касб этади. Мусобақаларни бевосита ёки оммавий ахборот воситалари орқали кузатган ёшларнинг спортнинг бу турига қизиқиши ошиши шубҳасиз. Зеро, оғир атлетика спортнинг бошқа турлари учун асос ҳисобланади. Чунки барча спорт турлари оғирликни бўйсундиришни ва катта куч ҳамда иродани талаб этади. Ўзбекистонда асос солинган ёшларнинг уч босқичли спорт мусобақаларига, албатта, масаланинг тиббий томонини ҳам эътиборга олган ҳолда, оғир атлетикани ҳам киритиш масаласи кўрилаётганини эшитиб хурсанд бўлдим. Шу ўринда мамлакатингиз раҳбари ғояси ва ташаббуси билан яратилган бу ноёб тизим ёшларни спортга ошно этишга, бу беллашувларда спортчи сифатида шаклланиб, тобланиб келгусида маҳоратли атлетлар бўлиб етишишига хизмат қилишини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ўзбекистонга ташрифим мобайнида Президент Ислом Каримов билан учрашув, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон оғир атлетика федерациясида ўтказилган музокаралар, кузатишларим асносида мамлакатингиз спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг энг тўғри ва самарали йўлини танлаганига ҳамда бу борадаги вазифалар изчил амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонда ҳамма ҳавас қилса арзийдиган заковатли ва кучли авлод вояга етаётганига амин бўлдим. Бундай давлатнинг келажаги буюк бўлишига шак-шубҳа йўқ.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ
суҳбатлашди**

---

***10-11 апрель кунлари пойтахтимизда «BankExpo-2013» банк-молия тизими технологиялари ва хизматлари олтинчи миллий кўргазмаси бўлиб ўтади. Миллий кўргазма олдидан Республика банклар ассоциациясида ОАВ вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ИСТАК-ХОҲИШЛАРИГА МОС

Кўргазма Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ва Ахборот коммуникация технологиялари қўмитаси, Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан бирга Республика Марказий банки томонидан ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз банклари мижозларнинг янги авлоди талабларига жавоб берадиган юқори технология ва ишланмалардан кенг фойдаланиб, замон билан қадам-бақадам бормоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самарасида хизмат кўрсатиш даражаси жадаллашиб, ички ва ташқи бозор ўзгаришларига тез мослашаётир. Истеъмолчиларнинг истак-хоҳишларига мос равишда хизмат кўрсатиш шароити яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Кўргазмада Ўзбекистон ва МДҲ давлатларининг етакчи банк, молия ва инвестиция компаниялари иштирок этади. Улар соҳадаги энг замонавий технологиялар ва хизматларни тақдим қилишади.

«BankExpo–2013» бўлимларидан банклар, молия ташкилотлари, суғурта компаниялари, мобиль тизимлар, пул ўтказмалари тизимлари, видеокузатув ва хавфсизликни таъминлаш мосламалари ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари кўргазмага ташриф буюрувчилар банк ва молия муассасалари учун ахборот технологиялари, пластик карточкалар дизайни ва уларни ишлаб чиқиш, пластик карточкалар билан ишлаш учун дастурий-аппаратли воситалар билан ҳам танишиш имконига эга бўладилар.

Шунингдек, кўргазмада «Обод турмуш йили» Давлат дастурига кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчилари, уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида хотин-қизларга таклиф этилаётган банк хизматлари бўйича маълумот ва маслаҳатлар беришга қаратилади.

Мазкур кўргазма Ўзбекистон банк-молия институтлари, давлат ва тартибга солувчи органлар ҳамда банк-молия хизматларидан фойдаланувчилар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий корхоналар раҳбарлари бир-бирлари билан мулоқот ўрнатишида қулай имкон яратади.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

---

# МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

***Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 677 йиллигига бағишланган «Миллат даҳосининг тимсоли» номли театрлаштирилган маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган «Амир Темур – буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, истеъдодли меъмор, нотиқ, руҳшунос, эл-юртини, халқини севган ва уни жаҳонга машҳур қилган инсон» мавзуидаги қизиқарли маълумотлар тадбир иштирокчилари учун эсда қоларли бўлди.

– Коллежимизда маънавий-маърифий тадбирларни маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштириш яхши анъанага айланган, – дейди коллеж директори Абдунаби Орипов. – Бизга ёндош «Тузель» ва Амир Темур номли маҳаллаларнинг фаоллари ва ота-оналар байрамларимизда азиз меҳмон, тадбирларда бошқош ҳам бўлишади. Яқинда маҳалла аҳли ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Ҳамза тумани кенгаши билан ҳамкорликда «Сумалак сайли» ва «Қадриятларда юрт тарихи» номли маърифий тадбирларни ҳам режалаштирганмиз.

Амир Темур халқаро илмий экспедицияси аъзоси Бахтиёр Ҳайдаровнинг «Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англашдир» номли маърузаси ҳамда коллеж устозлари ва талабалари томонидан саҳналаштирилган «Соҳибқирон фарёди» номли саҳна кўриниши тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

– Театрлаштирилган тадбирдан маърифий сабоқ олдик, – дейди коллеж ўқувчиси Нозима Мақсудова. – Биз нақадар улуғ зотларнинг авлодлари эканлигимизни яна бир бор ҳис этдик. Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят катта. Амир Темур замонида ёзилган асарларни қунт билан ўқисак, ўргансак, унинг кўп яхши хислатлари: тўғрилик, мурувватлилик, эл-юртга меҳр-муҳаббат ва бошқаларни билиб олишимиз мумкин. «Темур тузуклари» ва бошқа асарларда келтирилган ибратли ишлари, панд-насиҳатлари ва ўгитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Булар эл-юрт ва фуқароларнинг ташвиши, раиятпарварлик, меҳр-мурувват, қўшничиликка риоя қилиш ва ниҳоят мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ўгитлардир.

**Зафар НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабаси**

---

# ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, Ижтимоий-маданий ривожланиш, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи аъзолари иштирокида қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Нурилла Насимов олиб борди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма бешинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар, жумладан, Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирлар, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчиликка риоя қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили (Омбудсман)нинг фаолияти, туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Сергели тумани ҳокимлиги томонидан олиб борилган ишлар, автомототранспорт сақлаш қурилмаларини ободонлаштириш ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ уларни тартибга келтириш ҳамда доимий комиссия ваколатига тегишли бошқа масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасига бағишланган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи аъзолари иштирокида қўшма йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссияси раиси Сотиболди Бобоқулов олиб борди.

Унда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирлар, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчиликка риоя қилиниши аҳволи ҳамда бу борадаги прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2012 йилдаги фаолияти, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича туман ҳокимликларининг фаолияти ҳамда доимий комиссиялар фаолиятига оид бошқа қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари ва Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияларининг алоҳида йиғилишлари бўлиб ўтди.***

Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси ва ушбу масала юзасидан депутат А.Шиннинг ҳисоботи муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ф.Иноятовнинг ҳисоботи муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

---

# ИЧКИ БОЗОР СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарорида ташқи савдо фаолиятини тартибга солишнинг халқаро амалиётда умумэътироф этилган усулларини қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, шу йўл билан ноқонуний олиб кирилган ва қалбакилаштирилган товарларни сотишга қарши курашни кучайтириш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан маълум қилишларича, товарларни махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш амалиёти жорий этилгани шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бунинг моҳияти шундан иборатки, четдан келтириладиган истеъмол товарларининг айримлари махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилинади. Ана шундай маркировка, яъни махсус серияли рақам орқали мазкур товарнинг қачон, қаерда ишлаб чиқарилгани, сифати ва яроқлилигини билиш мумкин. Бу божхона ва солиқ органлари ишини енгиллаштириб, товарни қайта экспертизадан, стандартдан ўтказиш каби ортиқча оворагарчиликларга барҳам беради.

Эндиликда мамлакатимиз ҳудудида махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинувчи истеъмол товарларини маркаланмаган шаклда сотиш ва сақлаш тақиқланади. Бу каби ҳолатлар учраган тақдирда уларга савдо қоидаларини бузиш, деб қаралади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, мажбурий маркировка қилиниши лозим бўлган ва четдан келтириладиган ўндан ортиқ турдаги истеъмол товарига асосан музлаткич, телевизор, чангютгич, кондиционер каби маиший техника воситалари ҳамда уй-рўзғор идишлари, принтер, монитор кабилар киради. Бир қатор товарлар – асосан мураккаб маиший техника воситалари албатта маркировкаланиши шарт. Ушбу чора, биринчидан, ана шундай товарларни нолегал олиб киришга қарши туришни кучайтириш, иккинчидан, уларнинг импорт ҳажмларини назорат қилиш, учинчидан, сохталаштирилган, шунингдек, келиб чиқиши ва олиб киришнинг легаллиги шубҳа уйғотадиган маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймасликка хизмат қилади.

Мазкур тартибни самарали жорий этиш, ахборотлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида махсус дастурий таъминот асосида «Маркировка қилиш ва аудит» идоралараро ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилмоқда. Ушбу тизимда расмийлаштирилган божхона юк декларациялари ва маркировкаланадиган товарларнинг серия рақамлари тўғрисида ахборот жамланади. Бундан назорат тадбирлари ўтказилаётганда кенг фойдаланилади. Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси мазкур тизимни ўзининг интернетдаги расмий сайтида жойлаштиришни режалаштирган. Бу тизим орқали харидорлар ва фойдаланувчилар улар харид қилган товар легал равишда олиб кирилганлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Айни пайтда экспортга чиқарилаётган маҳсулотларга давлатимизга хос белгилар, товарнинг штрих коди ёки «Made in Uzbekistan» сўзлари муҳрланмоқда. Эндиликда юртимизга четдан кириб келаётган товарларда ҳам ўзбек тилидаги маркировка жорий этилиши белгиланди.

Президентимизнинг қарори асосида 2013 йил 1 июлдан бошлаб мамлакатимизга олиб кириладиган озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа истеъмол товарларида уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан қўйилган давлат тилидаги товар маркировкаси бўлиши шарт қилиб қўйилди. Халқимиз нафақат ўз тилидаги маркировка билан танишади, балки маҳсулотларга қўйиладиган «UZ» белгиси барчамизга ифтихор ҳам бағишлайди.



– Четдан товар олиб кираётган ёки транзитини амалга ошираётган юк ташувчилар томонидан эндиликда чегарани кесиб ўтиш жойидаги божхона органларига ташилаётган товарлар тўғрисида тақдим этадиган маълумотларнинг аниқ рўйхати белгилаб берилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси божхона назоратини ташкил этиш бош бошқармаси бош инспектори Рустам Қобулов. – 2013 йил 1 апрелдан жорий этилган бу тартибга кўра, юк эгаси товарнинг номи, миқдори, вазни ва юклар қиймати, шунингдек, товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ уларнинг камида олтита белги даражасидаги кодлари ҳақидаги маълумотни тақдим этиши лозим. Илгари бундай қонун-қоида бўлмагани боис, товарлар умумий ном остида кириб келар, уларни бирма-бир текширувдан ўтказишда муайян қийинчиликлар мавжуд эди. Эндиликда мамлакатимизга кириб келаётган ҳар бир товарнинг аниқ номи, миқдори, вазни ва юклар қиймати, шунингдек, коди юк-кузатув ҳужжатларида тўлиқ кўрсатилиши сифатли назоратни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳудудига товарлар ва қалбакилаштирилган маҳсулотларни ноқонуний олиб киришга чек қўйиш борасида божхона назоратини кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартда қабул қилинган «Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қарор асосида юк ташувчилар томонидан давлатимиз божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини ҳаво, темир йўл, автомобиль ва сув транспортида олиб ўтишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар рўйхати тасдиқланди. Эндиликда божхоначиларимиз шу рўйхат асосида товарлар ва транспорт воситаларини назоратдан ўтказади. Божхона хизмати органи юк ташувчилардан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотлар ёки ҳужжатлардан бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас. Бу жараён божхона тартиботи очиқлигини таъминлаш билан бирга, тадбиркорлик субъектлари манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида маълумотлар хорижий тилда бўлса, давлат божхона хизмати органлари ушбу ҳужжатларни давлат тилида ёки рус тилига таржима қилинган, юк ташувчи томонидан тасдиқланган ҳолда тақдим этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳар бир товар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш имконини бериб, мамлакатимизга шубҳали ёки талабга жавоб бермайдиган товар ва транспорт воситалари кириб келишининг олдини олиш имконини беради.

Юк ташувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда товарлар ва транспорт воситалари қўшимча божхона назоратидан ўтказилади.

Буларнинг барчаси аҳолини юқори сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, ички бозорни қалбаки товарлардан муҳофазалашга хизмат қилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири**

Болалар спорти

# Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

***Спорт турлари орасида футбол ўзининг оммавийлиги билан ажралиб туради. Чунки болалигида бирор марта кўча чангитиб футбол ўйнамаган, жамоаси ғалаба қозонганида қувончдан ўзини қўярга жой топа олмаган инсон юртимизда топилмаса керак.***



Спорт мажмуаларида

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Шу боис ҳам Истиқлол шарофати туфайли серқуёш диёримизда болалар ва ўсмирлар футболини янада оммалаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Бунда айниқса Республика Халқ таълими вазирлигига қарашли Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамнинг аҳамияти беқиёс. Олмазор туманидаги «Истиқлол» спорт-соғломлаштириш мажмуа ҳақида гап кетганида бу мажмуа туман болаларининг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларида ўзига хос соғломлаштириш маскани вазифасини ўтаётганлигини таъкидламаслик мумкин эмас.

Албатта мажмуада спортнинг кўпгина турлари бўйича тўгараклар, секциялар фаолият юритаётганлиги кўпчиликка маълум.

Аммо ушбу мажмуада футбол бўйича мураббий бўлиб ишлаётганлигим боис, асосан миллионлар ўйинига қаратилаётган эътибор ҳақида гапирмоқни истар эдим. Ўзим ҳам болалигимдан футболчи бўлишни орзу қилганман. Кейин 2002-2005 йилларда Миробод туманидаги спорт коллежида таҳсил олдим. 2006 йилдан бошлаб «Истиқлол» спорт мажмуасида болалар ва ўсмирларга футбол сирларини ўргатаяпман. Дарвоқе, шуни таъкидлашни истардимки, болалар ва ўсмирларнинг футбол билан шуғулланишлари учун мажмуамизда барча шароитлар муҳайё қилинган. Болалар учун футбол стадиони, спорт зали, дам олиш, ювиниш хоналари Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Олмазор туман филиаллари ҳамда ҳомийлар ёрдамида барпо этилган. Унда турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар чарм тўп сирларини ўрганишади. Қувонарлиси, ҳар йили болалар ва ўсмирлар ўртасида футбол бўйича ташкиллаштириб келинаётган Олмазор тумани ҳамда Тошкент шаҳар биринчиликларида жамоамиз мунтазам қатнашиб келади.

Айниқса, ўтган 2012 йилги Тошкент шаҳар биринчилиги жамоамизга муваффақият келтирди. Шаҳар миқёсида 16 та футбол жамоалари ўртасида уюштирилган чемпионатда жамоамиз совринли ўринлардан бирини эгаллади. Албатта, учинчи ўринни қўлга киритишимизда жамоа футболчиларининг мусобақага жиддий тайёргарлик кўриб, ўз устида тинимсиз меҳнат қилганлиги катта ўрин тутди. Энди апрель ойида шаҳар биринчилигига старт берилади. Мақсадимиз шаҳар чемпиони бўлиш. Шу боис ҳам ҳозирдан мусобақаларга тайёргарликни авж олдирганмиз.

Сўзим ниҳоясида шуни айтмоқчиманки, азиз ҳамшаҳарлар, фарзандларингизни албатта ёшлигиданоқ бирон спорт тури, хусусан, футбол билан шуғулланишларига имкон беринг. Ана шунда ёшлар соғлом, бақувват ва баркамол шахс бўлиб вояга етади.

**Сардор ГАНЖИЕВ,**
**«Истиқлол» спорт-соғломлаштириш мажмуаси футбол мураббийси**





Ёш чемпионлар

## БОБУРЖОННИНГ ОРЗУСИ

***Бобуржон Исломов ҳозир ўн уч ёшда. Лавҳамиз қаҳрамони Юнусобод туманидаги 17-ихтисослаштирилган ўрта таълим мактабида 7-синфда таҳсил олади.***

Халқимизда «Бола бошидан маълум», деган пурҳикмат нақл юради. Гўё бу ибора Бобуржонга аталгандек. Чунки Бобуржон ёш бўлишига қарамай фанларни чуқур ўзлаштира олади. Аъло баҳоларга ўқийди. Табиатан ҳар соҳага қизиқувчан, одобли Бобуржон ҳақида унинг синф раҳбари Ҳулкар Алимбекова шундай ҳикоя қилади.

— Синфимизда аълочи ўқувчилар жуда кўп. Бобур ҳам шундай ўқувчи ёшлар тоифасига киради. Аммо унинг бошқалардан фарқи, бирор бир ишни бажаришга аҳд қилса охирига етказмасдан қўймайди.

Келажагимиз ворислари бўлмиш фарзандларимизнинг соғлом, баркамол, маънан етук шахс бўлиб вояга етишлари йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини сезган Бобур Исломовнинг отаси Фарруҳ Муҳамедов ўғлини ҳеч иккиланмай 2006 йилда Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуаси сув спорти саройига етаклаб борди. Бобур сузиш спорти билан шуғуллана бошлади.

— Спорт турлари орасида сузиш жуда фойдали деб биламан, — дея хотирлайди бу ҳақда Фарруҳ Муҳамедов, — ўғлимда ушбу спорт турига қизиқишни сезгач ҳеч иккиланмай «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасига етаклаб бордим. Адашмаган эканман. Чунки Бобур мураббийлари ёрдамида сузиш сирларини иштиёқ билан ўргана бошлади. Буни қарангки, оз фурсат ичида аввал нимжонроқ бўлган ўғлим жисмонан бақувват ва кучли бўлиб вояга ета бошлади.

Дарҳақиқат, мутахассисларнинг эътироф этишларича сузиш спорт турлари орасида болаларнинг чиниқиши, кучли бўлишида катта роль ўйнайди.

Хуллас сув спорти билан шуғулланган Бобурга 2009 йилда омад кулиб боқди. «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуаси сув спорти саройи тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган биринчилик беллашувларида лавҳамиз қаҳрамони иккинчи ўринни қўлга киритди.

— Ушбу ғалабам менда сузиш спортига бўлган иштиёқни янада кучайтирди, — дейди Бобур Исломов, — энди насиб этса туман, шаҳар ҳамда мамлакат биринчиликларида муносиб иштирок этиб, совринли ўринлардан бирини эгаллашга ҳаракат қиламан.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда қайси мактаб ёки бошқа ўқув муассасасига борманг, спортнинг бирор-бир тури билан шуғулланмаган болаларни, қизларни учратмайсиз. Айниқса бундай ёшлар орасида мамлакат миқёсидаги ёки халқаро турнирларда совриндор бўлаётганлари талайгина. Биз ҳам Бобуржоннинг орзулари амалга ошишига умид қилган ҳолда мақолага шу ерда нуқта қўйдик.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Юртимизнинг ҳар бир таълим муассасасида ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, фарзандларимизнинг жисмонан бақувват бўлишлари учун таълим муассасаларида спорт майдончалари, стадионлар, тренажёр заллари деярли қулайликларга эга ҳолда барпо этилмоқда. Чунки спорт билан шуғулланган бола нафақат маънавий етук, балки жисмонан соғлом шахс бўлиб вояга етади.***

Дилдаги гаплар

## СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Учтепа туманидаги 194-мактабда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг аксарияти спортнинг бирор-бир тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, малакали мураббийлар қўл остида тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар орасида ҳозирги кунда мамлакат ва Тошкент шаҳар биринчиликларида совриндор бўлаётганлари талайгина. Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Енгил атлетика билан бир неча йиллардан бери шуғулланиб келаётган 6-синф ўқувчиси Эрик Исмоилов ҳозирги кунда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. Сузиш бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган ўқувчимиз Егорь Болотов эндиликда Осиё чемпионатида қатнашади. Каратэ-до, кикбоксинг, муайтай спорт турлари бўйича ҳам мактабимиз ўқувчиларидан Мирвосит Комилов, Нуриддин Умаров, Ҳабиб Қурбоновлар Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига номзод саналишади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта, бу муваффақият замирида болалар ҳамда ўсмирлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ўйинлари ҳамда «Универсиада» мусобақаларининг аҳамияти беқиёс. Бизнинг мактабимиз ўқувчиларининг аксарияти бир неча йиллардан бери «Умид ниҳоллари» мусобақаларида шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Ҳозирда мактабимизда айнан баскетбол билан 31 нафар ёш спортчи мунтазам шуғулланмоқда. Ўтган йили Тошкент шаҳри мактаблараро баскетбол бўйича уюштирилган шаҳар чемпионатида жамоамиз фахрли иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаллар билан тақдирланди. Бу ютуқлар замирида мактабимиз жамоаси аъзоларидан Суҳроб Рустамов, Нурия Нуримбетова сингари ўқувчиларнинг хизматлари катта бўлди. Теннис бўйича Аброр Рустамов туман ҳамда шаҳар миқёсида ўсмирлар ўртасида уюштирилган биринчиликда фахрли иккинчи ўринни эгаллагани юртимизда бу спорт тури болалар, ўсмирлар ўртасида жадаллик билан оммалашаётганлигини яққол исботлайди.

Мактабимизнинг 15 нафар ўқувчиси бокс билан мунтазам шуғулланиб, турнирларда совринли ўринларни эгаллаган эди. Айни кунларда мактабимиз боксчилари шаҳар миқёсида уюштириладиган чемпионатга турли вазн тоифаларида жиддий ҳозирлик кўришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда соғ танда — соғлом ақл, деганларидек ажабмас спортнинг турли йўналишларида мактабимиз шарафини ҳимоя қилаётган ўқувчи-ёшлар орасидан Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқса. Аммо шу ҳақиқат аёнки, ўқувчиларимиз халқаро турнирларда совриндор бўла олишмаганида ҳам улар албатта билимли, доно, ақлли, зукко бўлиб вояга етадилар.

**Татьяна ХОЛОШИНА,**
**Учтепа туманидаги 194-мактаб мураббийси**

Мусобақалар

## РИГАДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

***Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг барча турлари қатори стол теннисига бўлган қизиқиш ортиб бораётганлигини ҳамда ушбу спорт тури жадаллик билан ривожланаётганлигини Рига шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнир яққол исботлаб берди.***

Мазкур турнирда 14та давлатдан 28та ўсмирлар жамоалари ғолиблик учун кескин кураш олиб борди.

Ушбу нуфузли мусобақага Саидикром Бурхонхўжаев бош мураббийлигида қизғин тайёргарлик кўрган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар Беларусь ҳамда Эстония ўсмирлар терма жамоаларига насиб этди.

Ҳамюртларимизнинг ушбу муваффақиятга эришишларида моҳир ёш теннисчиларимиз Ислом Султонов ва Музайяна Муҳамаджоноваларнинг яккалик баҳсларида барча рақибларини енгиб биринчи ўринни эгаллаганликлари ҳамда олтин медаллар билан тақдирланганликлари сабабчи бўлди.

Шунингдек, яккалик баҳсларида терма жамоамиз аъзоси Ольга Ким кумуш медаль эгасига айланган бўлса, Саида Калоновага бронза медали насиб этди.

***Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида таэквандо LtF бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.***

## ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Ушбу биринчилик баҳслари Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари маркази ҳамда Республика таэквандо (LtF) федерацияси ҳамкорликларида уюштирилди.

Мусобақада 400 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Яккама-якка беллашувда ўз вазн тоифаларида ҳамшаҳарларимиз М. Акбаров, С. Салимов, И. Даминов, Д. Ирисбоевлар олтин медаллар эгасига айланишди.

Комплекс машқ бажариш бўйича эса барча совринли ўринлар пойтахтимиз спортчиларига насиб этгани қувонарли.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринлар фарғоналик ҳамда сирдарёлик ёш таэквандочиларга насиб этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Сўранг, жавоб берамиз

**«Шартли васиятнома» деганда нима тушунилади? Бу бошқа васиятномалардан қайси жиҳатига кўра фарқ қилиши мумкин?**

**Б.Қўзиев,**
**Сергели тумани**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1121-моддасига асосан: васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли. Бу «Шартли васиятнома» ҳисобланади.

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ғайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.

Васиятномада меросхўр ўз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар унинг даъвоси бўйича «ҳақиқий эмас», деб топилиши мумкинлиги белгиланган.

**Фирдауз ВОҲИДОВА,**
**Ҳамза тумани 9-сонли ДНИ нотариуси**

**Турмушда баъзан учраб туради. Боланинг ҳаёти ёки соғлиғи бевосита хавф остида қолганда васийлик ва ҳомийлик органи болани олиш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Бу ишни ким амалга оширишга ҳақли?**

**А. Қосимов,**
**Олмазор тумани**

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 87-моддасига асосан: боланинг ҳаёти ва соғлиғи бевосита хавф остида қолганда, васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан, яъни уларнинг биридан ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатига асосан амалга оширилади.

Бола олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорга хабар бериши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи болани олиш тўғрисида ҳужжат қабул қилганидан кейин етти кун ичида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт эканлиги белгиланган.

**Шукурулло АКБАРОВ,**
**Хуршида ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**Ҳамза тумани ДНИ нотариуслари**

**Қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб биргаликда яшайдиган ота-онадан туғилган болага ота исми бериладими?**

**Н.Азаматова,**
**Шайхонтоҳур тумани**

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномага отаси тўғрисидаги ёзув боланинг отаси ва онасининг биргаликдаги аризасига ёки суднинг ҳал қилув қарорига биноан ёзилади.

Она вафот этган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, шунингдек, онанинг қаердалигини аниқлаш мумкин бўлмаганда, ота тўғрисидаги маълумот отанинг аризасига кўра васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёзилади.

Агар боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганини қайд этиш вақтида, шунингдек, кейинчалик ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

**Улуғбек СОБИРОВ,**
**Алишер ХИДИРОВ,**
**Юнусобод тумани ДНИ нотариуслари**

**Мажбурият қандай вужудга келади? Мажбурият тушунчаси, унинг тартиб-қоидалари ҳақида тушунча берсангиз.**

**Ш.Акбаров,**
**Бектемир тумани**

Мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятнинг тарафлари — кредитор ёки қарздор сифатида бир ёки бир неча шахс иштирок этиши мумкин. Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт. Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни бажаришни кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб бажаришга йўл қўйилмайди. Мажбуриятнинг бажарилиши гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

**Каромат МАРАҲИМОВА,**
**Миробод тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21.**
**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти**

## Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги





ЎзА суратлари

***«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги фармойиши асосида амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги тадбирларида мамлакатимиз ёшлари фаол иштирок этмоқда.***

# ЮРТИМНИ ОБОД ЭТАМАН

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, дин ишлари бўйича масъул идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Экологик маданият ва қадриятлар ойлиги» доирасида кўнгилли ёшлардан иборат ҳашарчилар гуруҳлари шакллантирилди.

Ушбу гуруҳ вакиллари «Экологик маданият ва қадриятлар ойлиги» доирасидаги «Юртимни обод этаман», «Ҳар бир ёшга – бир ниҳол», «Ҳашар – ёшларга ярашар», «Яхшидан боғ қолар», «Ўтганлар руҳини шод этайлик» каби акцияларда маҳалла гузарлари, таълим муассасалари, жойлардаги қабристонлар, зиёратгоҳлар, кўча ва хиёбонларда олиб борилаётган тозалаш ва ободонлаштириш тадбирларида иштирок этмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, ёшлар ташкилотининг «Экологик маданият ва қадриятлар ойлиги» лойиҳаси йигит-қизларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириш, ёш авлод тафаккурига яратувчилик, бунёдкорлик туйғусини янада чуқур сингдиришга хизмат қилади.

Бугунга қадар лойиҳага 5,5 миллион нафардан зиёд ёшлар жалб этилди. Унда иштирок этган ёшларнинг саъй-ҳаракати билан қарийб йигирма олти минг гектар майдон ободонлаштирилди. 3875 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, олти минг тоннадан кўпроқ маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга ташиб кетилди. Ойлик доирасида ўн минглаб мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари экилди. Беш миллиондан зиёд дарахтга шакл берилди ва оқланди. Анъанага мувофиқ, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз қариялар, жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг уйлари ҳашар йўли билан таъмирланди ва мурувват ёрдами кўрсатилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилоят кенгаши томонидан ойлик доирасидаги «Обод вилоятим» ёшлар акциясида 25 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашди. Қувасой шаҳрида «Ҳар бир ёшга – бир ниҳол» акцияси доирасида «Ёшлар боғи» ташкил этилди. Бундай ишлар юртимизнинг барча вилоятларида амалга оширилмоқда.

Ҳаракатнинг марказий кенгаши қошида махсус штаб ташкил этилиб, жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар назорат қилиб борилмоқда. Қабристон ва зиёратгоҳларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларда ҳозиргача 160 минг нафар ёшлар фаол қатнашди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 4800 га яқин шундай масканлар тартибга келтирилиб, атрофига 188 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари, 100 минг тупдан ортиқ гул кўчатлари экилди.

– Туманимизда Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги уюшқоқлик билан ташкил этилган, – дейди ЎзА мухбирига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман кенгаши раиси ўринбосари Шукрулло Анваров. – Барча мактабларда «Камолот» ва «Ёшлар боғи» ташкил этилди. Яратилаётган янги боғларни парваришлаш, ниҳолларни тўлиқ ундириб олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

**Б.ХИДИРОВА**

# ПОЙТАХТДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

***Жорий йилнинг 22-26 апрель кунлари пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда анъанавий «Тасвирий санъат ҳафталиги» ўтказилади.***

Унда моҳир мусаввир ва ҳунармандлар, қўли гул усталар, санъатшунос олимлар, ўқитувчи ва талабалар ҳамда хорижлик меҳмонлар иштирок этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси матбуот хизматининг хабар қилишича, «Тасвирий санъат ҳафталиги» нафақат пойтахтимизда, балки Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам ташкил этилади.

Мазкур ҳафталик доирасида ёш дизайнерларнинг миллий либослари намойиши, турли кўргазмалар, ўқувчи ва талабалар учун «Маънавият дарслари», ёш рассомлар орасида расм чизиш бўйича кўрик-танловлар, маҳорат сабоқлари, ижодий анжуманлар, юртимизнинг таниқли мусаввирлари, ҳунарманд усталари фаолияти ва ижодига бағишланган фильмлар намойиши ҳамда қатор учрашув ва музокаралар ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Бинобарин, «Тасвирий санъат ҳафталиги» янги ижодкорларни кашф этиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий парвози учун муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Ғанишер ТОҲИРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Миробод тумани СИБ томонидан: 1. 10.05.2012 й. № 16629/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч. Москвич-412, д/р. 30 М 8549. Бошланғич баҳоси – 660 698 сўм. 2. 25.03.2012 й. № 11368/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и/ч. Газ 31029, д/р. 01 Х 969 СА. Бошланғич баҳоси – 784 664 сўм. 3. 24.05.2012 й. № 18072/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. Ваз 2106, д/р. 01 Т 784 FA. Бошланғич баҳоси – 2 705 099 сўм. 4. 08.10.2012 й. № 34268/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й. и/ч. «Даймлер Крайслер», д/р. 10 А 737 АА. Бошланғич баҳоси – 77 900 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. 5. 10.05.2012 й. № 15697-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и/ч. Ваз 2103, д/р. 30 U 0113. Бошланғич баҳоси – 1 687 548 сўм. 6. 09.07.2012 й. № 24509/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч. Ваз 2107, д/р. 10 Х 3994. Бошланғич баҳоси – 7 190 596 сўм. 7. 10.11.2010 й. № 14144/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и/ч. Range-Rover, д/р. 30 Z 1501. Бошланғич баҳоси – 189 670, 500 сўм. 8. 01.06.2012 й. № 18927/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч. «Москвич 412», д/р. 01 Q 293 СА. Бошланғич баҳоси – 1 376 245 сўм. 9. 01.12.2011 й. № 25109/21 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и/ч. «Заз-968», д/р. М 4954 ТН. Бошланғич баҳоси – 198 187 сўм. «Нумизматика» МЧЖда сақланмоқда. 10. Бектемир тумани СИБ томонидан 13.01.2011 й. № 07-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. «Каптива», д/р. 01 V 101 ВА. Бошланғич баҳоси – 55 795 140 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12. **Тузатиш киритилди:** «Тошкент оқшоми» газетасининг 2013 йил 22 март № 58-сонида чоп этилган Зангиота тумани СИБ томонидан 30.01.2013 й. № 1280-сонли ижро ҳужжатига асосан «ТТ380.10», д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 34 544 000 сўм бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси – 29 544 000 сўм деб ўқилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан «TOSHKENT AVTO BIZNES» MCHJга 02.04.2013 йилда берилган АТ серияли №0063284, №0063285, №0063286, №0063287 лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога такроран Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «ГАЗ-2410» д/р 11F3897, 1988 йил и/ч автотранспорт воситалари, ижро ҳужжати 08.10.2010й, №12057/21. Бошланғич баҳоси – 580 689 сўм. 2. «BMW-316» д/р 11Z5740, 1981 йил и/ч автотранспорт воситалари, ижро ҳужжати 26.08.2011й, №15694/21. Бошланғич баҳоси – 5 282 918 сўм. 3. «Москвич-2140» д/р 30Q3517, 1981 йил и/ч автотранспорт воситалари, ижро ҳужжати 12.05.2010й, №7461/21. Бошланғич баҳоси – 497 761 сўм. 4. «Маз-35334» д/р 30В1963, 1982 йил и/ч автотранспорт воситалари, ижро ҳужжати 26.08.2011й, №10880/11. Бошланғич баҳоси – 16 665 732 сўм. 5. «АЛКАН-13» д/р 19А722, 1990 йил и/ч автотранспорт воситалари, ижро ҳужжати 08.06.2009й, №6573/21. Бошланғич баҳоси – 856 857 сўм. 6. «ЗАЗ-968» д/р 30I7458, 1986 йил и/ч автотранспорт воситалари, ижро ҳужжати 07.12.2010й, №16024/21. Бошланғич баҳоси – 163 515 сўм. 7. «ЗАЗ» д/р 30А3258, 1989 йил и/ч автотранспорт воситалари, ижро ҳужжати 15.04.2011й, №5867/21. Бошланғич баҳоси – 473 705 сўм.

**Аукцион савдоси 2013 йил 30 апрель куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 26 апрель куни соат 18:00. Мулклар билан Миробод туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. **Изоҳ:** и/ч – ишлаб чиқарилган, д/р – давлат рақами. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан жисмоний шахс Шарипова Қундузой Таировна номига берилган Бектемир тумани, Ж.Тошкандий кўчаси, 57-уй, 33-хонадон манзилида жойлашган нотурар жой, 2-82/2004 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Рустам Қосимовга муҳтарама волидаси

**НАСИМА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Нажот меҳнатда.**

* * *

**Одамларни таниш учун вақт керак.**

* * *

**Ҳаёт ўз ҳисоб-китобида адашмайди.**

* * *

**Қайтишини умид қилиб қилинган яхшилик яхшилик эмас.**

* * *

**Яхшилик беғараз бўлади.**

* * *

**Ишонса бўладиганга суянса бўлади.**

* * *

**Гапириб пушаймон бўлгандан гапиролмай армон қилган яхши.**

* * *

**Сергаплик сергакликни йўқотади.**

* * *

**Кувончингни баҳам кўришга ҳамиша одам топилади. Лекин қайғуингни бўлишадиган ҳамдард топиш қийин.**

* * *

**Ўзингдан келиб чиқсанг, бировдан гина қилишга ҳожат қолмайди.**

* * *

**Уринсанг бир нарса чиқади.**

* * *

**Андиша инсоннинг дўсти бўлиши керак, душмани эмас.**

* * *

**Ўзига ишонган бировга орқа қилмайди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***10 апрелда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида* ***10 апрель*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 441

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12046 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5